

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 ЙИЛ, 19 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 243 (11.304)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Кеча сатрларда

● «КАМОЛОТ» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирокида «Шаҳарлар жавоҳири» шiori доирасида уюштирилган «Кубноклар ва зукколар» беллашуви Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.

● МИРЗО Улуғбек туманидаги 241-мактабда туман халқ таълими бўлими, туман ўқувчилар ижодиёти маркази, «Махалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими хамкорлигида уюштирилган семинар «Қадрият — миллий ёдгорлик» деб номланди.

● УЧТЕПА туманидаги 106-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Бахтимиз пойдеворлари» деб номланди.

● УТГАН кунни Яққасарой тўқимачилик ва енгил саноат касб-хунар коллежида ёшлар орасида гивандлик, ичкиликбозлик ва хиноятчилик ҳоллари кўпайишининг олдини олиш масалаларига бағишлаб Яққасарой туман суди, туман прокуратураси, ички ишлар хизмати ходимлари, ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар иштирокида тадбир ўтказилди.


● «ЁШЛИК» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида талабалар иштирокида уюштирилган семинар-тренинг «Биз ўз ҳуқуқимизни билмишимиз» деб номланди.

● ЎЗБЕКИСТОН Миллий университетига қарашли 5-талабалар турар жойида «Соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилди» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

БУГУН МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА БЎЛГАН КИШИ ЎЗИНИ ЯНГИ ЙИЛНИНГ ЭРТАКЛАР

ШАҲАРЧАСИГА КЕЛИБ ҚОЛГАНДЕК ҲИС ЭТАДИ. ҲАРОЙИБ УЙЧАЛАР, ҲАЛИНЧАК УЧАЁТГАН ҚОРҚИЗ, СОВҒА УЛАШАЁТГАН ҚОРБОБО, РАҚСГА ТУШАЁТГАН АЙИҚ ПОЛВОН, ҚУЁННИ ПОЙЛАГАН БЎРИВОЙНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ... РАНГ-БАРАНГ ЧИРОҚЛАР БИЛАН БЕЗАТИЛГАН УЛКАН АРЧА АТРОФИДА БОЛАЛАРНИНГ ШЎҲ-ШОДОН КУЛГУЛАРИ, КУЙ-ҚЎШИҚ, ТЕАТРЛАШГАН ТОМОШАЛАР АВЖИДА.



Янги йил кириб келмоқда. Уни каттаю кичик, айниқса, болалар интиқлик билан кутади. Мустақиллик майдонида бунёд этилган «Эртақлар шаҳарчаси»да кичиктойлар учун Янги йил байрами томошалари бошланди. Турфа ўйинчоқлар, совғалар, китоблар, ўқув қуролларининг кўргазма-ярмаркаси ишлаб турибди.

«Эртақлар шаҳарчаси»дан жой олган улкан арча атрофида болаларнинг шодон ўйинлари авжида. Бу ерга тақлиф этилган мактабгача таълим масканлари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг қувончи чексиз. Болалар адабиётлари, ўқув қуроллари, турли совғаларнинг кўргазма-ярмаркаси ишлаб турибди.

— Янги йил байрамига барча театр жамоалари алоҳида тайёргарлик кўрган, — дейди «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев. — Ҳар кун театрлаштирилган дастурлар намойиш этилади. Шу йилда бизнинг таълим масканлари усталари, «Нихол» мукофоти совриндорлари, турли

ЯНГИ ЙИЛ ШУКУҲИ



кўрик-танловлар, фестивалларнинг голибли, ёш ижроичилар иштирокидаги концертлар, музика томошалар болалар эътиборига ҳавола этилади. Айни пайтда ўқувчилар учун турли қизиқарли виқториналар, интеллектуал беллашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

— Янги йил болаларнинг энг севимли байрами, — дейди пойтахтдаги 31-Меҳрибонлик уйи директори Дилафрўз Жуманова. — Ушбу қувончли байрамга юксак савияда тайёргарлик кўрилгани юртимизда ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далилидир. Ёшлар йилида бизнинг таълим масканимиз капитал таъмирланди. Моддий-техник базаси янада

мустаҳкамланди. Мустақиллик майдонини юртимиздаги ҳамма болалар жуда яхши кўради, — дейди Тошкент шаҳридаги 58-мактаб ўқувчиси Азиз Мухимов. — Катта арча, Қорбобо ва Қорқиз, ранг-баранг безаклар билан майдон янада чиройли бўлиб кетибди. Синфдошларим билан янги йилга аталган концертлар, томошаларни кўрдик. Улар жуда завқли ва қизиқарли.

Байрам сайли тарзида ўтказилган Янги йил шодоналари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, маданият ва истироҳат боғларида, маданият саройларида, майдон ва хиёбонларда ташкил этилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ 2008 йил 26 декабрь кунини соат 10.00да учинчи чакриқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн саккизинчи сессияси чакрилади. Сессия Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида бўлиб ўтади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— Тошкент шаҳрини 2008 йил иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг қулайлашган асослари ҳамда 2009 йилда ишловларни янада чуқурлаштиришга доир вазифалар тўғрисида;

— Тошкент шаҳри давлат бюджети ижроси ва 2009 йил бюджет лойиҳаси тўғрисида;

— Фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови яқунлари тўғрисида;

— Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2007-2008 йиллардаги фаолияти тўғрисида;

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Саноят, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи;

— Тошкент шаҳридаги давлат ва коммунал мулкка тегишли нотурар жой биноларига қўлланилган ижара ҳақининг энг кам миқдордаги таянч ставкалари тўғрисида;

— «Тошбозорайёрловсавдо» уюшмаси тизимидаги бозорлар ҳудудидаги автотўхташ жойларида тўхтаб туриш учун ундирилган хизмат ҳақи ҳамда буюм ва иختисослашган бозорларда савдо қилувчи шахслардан ундирилган бир мартабалик жой ва хизмат ҳақи тўловларининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида;

— Бошқа масалалар.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

18 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибининг тасдиқлади.

«Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг аъзоси Ф.Солиев тақдим этди. Қонун лойиҳаси почта алоқаси соҳасидаги жон бозорининг ҳозирги замон тамойиллари мувофиқ мамлакатимизда почта алоқасини ривожлантиришнинг қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилгандир. Ҳужжатда, хусусан Ўзбекистонда ривожланиб бораётган курьерлик хизматлари бозорининг ҳуқуқий мақоми, почта алоқаси хизматлари сифатига қўйилган талаблар белгиланган.

Қонун лойиҳасини батаф-

риланган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқуллашди ва маъсۇл қўмитага уни учинчи ўқишда қўриб чиқиш учун маромига етказишни топширдилар.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг аъзоси Р.Ҳайтов «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида ахборот берди. Қонун лойиҳасида мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш соҳасида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ваколатли давлат органи ва Мудофаа вазирлигининг стандартлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш борасидаги ҳуқуқлари белгиланган.

Ҳужжатнинг батафсил муҳокамаси чоғида депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга доир

қўриқ-танловлар, фестивалларнинг голибли, ёш ижроичилар иштирокидаги концертлар, музика томошалар болалар эътиборига ҳавола этилади. Айни пайтда ўқувчилар учун турли қизиқарли виқториналар, интеллектуал беллашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибининг тасдиқлади.

«Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг аъзоси Ф.Солиев тақдим этди. Қонун лойиҳаси почта алоқаси соҳасидаги жон бозорининг ҳозирги замон тамойиллари мувофиқ мамлакатимизда почта алоқасини ривожлантиришнинг қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилгандир. Ҳужжатда, хусусан Ўзбекистонда ривожланиб бораётган курьерлик хизматлари бозорининг ҳуқуқий мақоми, почта алоқаси хизматлари сифатига қўйилган талаблар белгиланган.

Қонун лойиҳасини батаф-

риланган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқуллашди ва маъсۇл қўмитага уни учинчи ўқишда қўриб чиқиш учун маромига етказишни топширдилар.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг аъзоси Р.Ҳайтов «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида ахборот берди. Қонун лойиҳасида мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш соҳасида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ваколатли давлат органи ва Мудофаа вазирлигининг стандартлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш борасидаги ҳуқуқлари белгиланган.

Ҳужжатнинг батафсил муҳокамаси чоғида депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга доир

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистонда «General Motors» корпорацияси билан ҳамкорликда двигателлар ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона ташкил этилди. «General Motors Powertrain Uzbekistan» номли янги завод қурилиши бошланди. Янги қўшма корхонада 1200 та янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу Асака шаҳридаги заводда автомобиллар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун имконият яратади.

● Ўзбекистон Банклар ассоциациясида давлатимиз раҳбарининг миллий молия бозоримизни янада ривожлантиришга қаратилган Фармонлари ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Республика Марказий банки томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиздаги тижорат банклари раҳбарлари ҳамда молия соҳаси вакиллари иштирок этди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ЁИХнинг «Камал» болалар ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган «Янги авлод—2008» болалар ижодиёти фестивали республика босқичининг очилиши бўлиб ўтди.

● Андижон шаҳрида Янги йил байрами олдида анъанавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда «Матлуботсавдо», «Гўштсавдо» акциядорлик жамиятлари, «Водий олтин куз» масъулияти чекланган жамияти, вилоят бозорлар уюшмаси томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари арзон нархларда сотилмоқда.

● Гулистон Давлат университетиде раҳбар кадрларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Намангандаги «Архитектуралиш-лойиҳа» МЧЖ лойиҳаси бўйича шаҳарнинг марказий қисмида янги спорт мажмуасининг қурилиши бошланди. Комплексдан стадион, ёпиқ сув ҳавзаси, спорт зали, ёғи спорт майдончалари, тўрт минг муҳлисга мўлжалланган трибуналар ўрин олади.

● Бухоро вилояти «Пахтаसानот» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ташаббуси билан Вобкентдаги сойқ пахта тозалаш заводининг бўш ётган ёрдамчи бинолари реконструкция қилиниб, ўров материаллари ишлаб чиқариладиган ҳежа айлантирилди. Натижада 90 га яқин маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди.

● Кеча Тошкентда таэквондо бўйича «ITF» катталар ва ёшлар ўртасида «Ўзбекистон ёшлари гивандликка қарши» шiori остида Ўзбекистон кубоги мусобақалари бошланди.

● Жалолқуддадаги «SPZ BEARINGS» қўшма корхонасида Оҳангарон ва Навоий тоғ-металлургия комбинатлари ва «Навоий-азот» корхонаси буюртмалари бўйича подшипниклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Москвада Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев Никарагуа давлати раҳбари Даниел Ортега билан музокара ўтказди. Учрашув чоғида ҳар иккала давлат ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан бир неча битим имзоланди.

● Россиянинг «Газпром» компанияси вакили Сергей Куприяновнинг сўзларига қараганда агарда Украина Россияга газ учун ўз қарзларини тўламасга, биринчи январдан бошлаб ушбу мамлакатга газ берилмайди. Гарчи кеча Украина 800 миллион доллар миқдордаги газ тўловларини тўлаган бўлсада, унинг Россия олдидаги қарзлари 2,5 миллиард долларни ташкил этади.

● Осиё ва Океания мамлакатлари ўз космик агентликларини тузишларини маълум қилдилар. Космик ҳамкорлик юзасидан Осиё-Тинч океани ташкилотининг қароргоҳи Пекинда жойлашади ва унинг таркибига Эрон, Покистон, Хитой, Бангладеш, Малайзия, Перу ва Таиланд мамлакатлари қиради.

● Доминикан Республикасининг Сантьяго шаҳридан парвозни амалга оширган йўловчи самолёти бедарак йўқолди. Мазкур ҳаво кемаси ёниги қуйиш учун Багамага қўниб ўтиши лозим эди. Лекин самолёт парвозидан 35 дақиқа ўтган, экипаж ёъзоларидан фалокатга йўлиққанликлари ҳақида хабар келган. Ҳозир воқеа жойида қидирув ишлари олиб боришмоқда.

● Австралиянинг Сидней шаҳри яқинида иккита кичик самолёт ўзаро тўқнашиб кетди. Натижада улардан бири турар жой биносига келиб урилган ва хонадон эгаларидан ҳеч ким жабрланмаган бўлсада самолёт бортидаги икки киши ҳалок бўлган. Иккинчи самолёт эса аэропортга қўнишга муваффақ бўлган. Ҳозирда воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

● Кеча Исроилнинг Эйлат шаҳридаги йирик автоҳалокат натижасида ҳалок бўлган 24 нафар сайёҳларнинг танаси Санкт-Петербург шаҳрига келтирилди. Ушбу фожиа муносабати билан бугун Санкт-Петербургда мотам кўни эълон қилинди. Автобус ҳалокатида айбдор деб топилган ҳайдовчи эса касалхонадан чиқди. У 20 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

● Нобел мукофотининг тиббиёт, физика ва химия бўйича кўмиталари ходимлари коррупцияда айбланмоқда. Шу муносабат билан Швеция прокуратураси томонидан жиноий иш очилиб, суриштирув ҳаракатлари амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИДА «ИҚТИСОДИЙ НОЧОР,
ЗАРАР КЎРИБ ИШЛАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИ
МОЛИЯВИЙ СОГЛОМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ»
ДЕГАН МАВЗУДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
ЎТКАЗИЛДИ.

Иқтисодиёт

ЧОРА-ТАДБИРЛАР
САМАРАСИ

Тадбирда кўмига раиси ўринбосари Умар Тўрдиёв тақлиф этилган оммавий ахборот воситалари ходимларига юқоридаги мавзуда амалга оширилган ишлар, уларнинг самараси ва келгусида белгиланган вазифалар ҳусусида ахборот берди.

Таъкидлашчи, кўмига молиявий соғломлаштириш жараёнида корхонанинг молиявий аҳолини таҳлил қилади ва мониторингини олиб боради, банкротлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлайди, банкротлик аломатлари юзга келган ҳолларда судга санаҷа қилиш ёки корхонани банкрот деб топиш тўғрисида расмий илтимоснома, қайта ташкил қилиш механизми ва корхонани тугатиш бўйича тақлифларни киритади, таркибий ўзгаришларни лозим бўлган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ҳамда иқтисодий ночор корхоналарни консервация қилиш, қурилиши тугалланмаган объектлар ва асосий фондларни сотиш тақлифларини киритади.

Амалга оширилаётган бу вазифалар иқтисодиётни соғломлаштириш ва самарали ишлаб чиқаришни ташкил қилишга йўналтирилган. Тадбирда бугунги кунда саноат корхоналари дуч келётган асосий муаммолар ҳам алоҳида айтиб ўтилди. Булар раҳбарият менежменти ва корпоратив органларининг корхона бошқаруви борасида маркетинг ишлари даражасининг пастлиги, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларнинг ташқи бозорда рақобатбардош эмаслиги, айланма маблағларнинг етишмаслиги ва тўлов интизомининг бузилиши тўғрисида корхоналар ўртасидаги ўзаро тўловларнинг вақтида бажарилмаётгани, корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдига мuddати ўтказиб юборилган қарзлари борлиги боис мавжуд молиявий маблағлардан фойдаланиш имконияти йўқлиги уни иқтисодий инқирозий аҳолига олиб келаятганидир.

Шу ўринда айтиш лозимки, кўмига молиявий соғломлаштиришни амалга оширишда бир қанча усуллардан фойдаланмоқда ва уларнинг самараси сезиларли бўлмоқда. Жумладан, таркибий ўзгариш режасига киритилган корхоналарнинг 72 фоиздан зиёди ўртача ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини ошириб, молиявий аҳолини мустаҳкамлашга эришди. Ишлаб чиқилган таркибий ўзгариш дастурларининг амалга оширилиши, шунингдек, корхоналарга давлат кўмаги бериш натижасида кейинги 5 йилда иқтисодий ночор корхоналарнинг сони 70 фоиз, зарар кўриб ишловчи корхоналарнинг сони эса 65 фоизга қисқарди. Хозирда кўмига ўз олдига қўйган вазифалардан келиб чиққан ҳолда корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларни таркибий ўзгариш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тижорат банклари билан бирга банкрот корхоналар қайта санокдан ўтказилиши натижасида 71 та банкрот корхона аниқланди. Мазкур корхоналардан 33 танинг фаолиятини тиклаш, салоҳиятли инвесторларга сотиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ташаббуси билан тегишли вазирлик ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида атрофчи муҳожама қилинди. Шу билан бирга айни пайтда қолган банкрот корхоналарнинг келгуси тақдирини бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бундан кейин ҳам кўмига талаблар даражасида ўз вазифалари асосида иш юритиб, ночор ва банкрот корхоналарни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратиши анжуманда алоҳида таъкидланди.

Анжуманда кўмига мутахассислари тегишли масала юзасидан оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтаришди.
Шарифа ИЛЁСОВА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Депутатлар томонидан киритилган тақлифларни муҳожама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг аъзоси Б.Юсупов «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция ратификация қилинганлиги ҳамда унинг айрим нормаларини миллий қонун ҳужжатларига сингдириш зарурати муносабати билан, шунингдек, бу соҳада тўпланган ўз иш тажрибамизни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Унда номоддий маданий мерос объектларини тақтин қилиш билан боғлиқ нормалар қайта кўриб чиқилган, номод-

дий маданий мерос объектларини сақлаш ва тиклаш чора-тадбирлари тўғрисида янги қоидалар белгиланган.

Қонун лойиҳасини муҳожама қилиш чоғида депутатлар мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президентини раҳбарлигида ўзбек халқининг қўп асрлик маданий ва маънавий меросининг моддий ҳамда номоддий намуналарини тиклаш, сақлаш ва тарғиб қилиш борасида мамлакатимизда қатта ишлар амалга оширилганлигини таъкидладилар. ЮНЕСКОнинг Озақи ва номоддий маданий мерос шох асарлари рўйхатидаги Ўзбекистон номоддий маданий меросининг иккита намунаси — Бойсун тумани маданий мероси ва Шашмақом мусиқа аъённалари киритилганлиги бежиз эмас.

Мазкур ҳужжатнинг муҳожамаси чоғида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси унинг асосий қоидаларини маъқуллади ва биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар Бюджет ва иқтисодий

ислохотлар кўмитасининг аъзоси Қ.Тошматов томонидан тақдим этилган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу ўзгаришлар жорий йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганлиги билан боғлиқдир. Мазкур Фармонда омонатлар миқдорларидан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатларини тўлиқ ҳажмида қоплашни назарда тутиш тартиби белгиланган.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бажарилган муҳожамадан сўнг Қонунни қабул қилди, у маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

(ЎЗА)

Санъат

ТАСВИРЛАРДА — ЎЛКАМИЗНИНГ
БЕТАКРОР МАНЗАРАЛАРИ

ШАХРИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ
САЪЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА АНЪАНАВИЙ «ТОШКЕНТ
ҚУВОНЧЛАРИ» ХАЛҚАРО II ТОШКЕНТ БОЛАЛАР
РАСМЛАРИ БИЕННАЛЕСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Ушбу тадбирни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад болалар бадиий ижодиётини ривожлантириш, Ўзбекистон болаларининг жаҳондаги тенгдошлари билан дўстона муносабатларини ўрнатиш ва халқаро миқёсда, дунё болалари орасида ёш иқтидорларни танлаш, уларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини ошириш, мамлакатимиз тарихи ва маданияти билан яқиндан таништириш, ёш рассомларни маънавий ва ижодий рағбатлантириш, мактаб ёшигача бўлган болаларнинг интеллектуал даражасини оширишдан иборат бўлиб, бу болалар ўртасидаги соғлом турмуш тарзини яратиш ва улар қалбида санъатга бўлган муҳаббатни шакллантириши билан аҳамиятлидир.

Ушбу кўргазма кенг қамровли бўлиб, унинг олдига кенг маданий жамоатчилик ҳамда Ўзбекистон ёш рассомларини жаҳон замонавий санъатининг янги шакллари ва концептуал гоялари билан мулоқотини фаоллаштириш, уларнинг ўзига хос миллий санъати ва дунёқараши билан алоҳида эътибор қаратиш каби мақсадлар қўйилган.

«Тошкент қувончлари» Халқаро II Тошкент болалар расмлари биенналесидан дунёнинг турли мам-



лакатлари, жумладан, Англия, АКШ, Афғонистон, Беларуссия, Болгария, Вьетнам, Германия, Жапон, Жанубий Африка Республикаси, Италия, Индонезия, Жанубий Корея, Латвия, Литва, Малайзия, Миср, Озарбойжон, Польша, Россия, Саудия Арабистони ҳамда Ўзбекистоннинг беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.

Иккинчи мартаба ўтказилаётган ушбу анжуманда «Болалар», «Менинг Ватаним», «Мен яшаётган олам», «Тошкентни яхши биларман» ва эркин мавзулардаги асарларни юборишган. Айниқса Озарбойжон, Хитой, Эрон, Миср ва Россия давлатлари вакиллари ўз расмларидан Ватанимизнинг бетақроп манзаралари ва Тошкент шаҳрининг гўзал кўчаларини замонавий биноларини суёбўёк ва пастель техникаларида жуда ҳам чиройли ишлашган бўлиб, болаларда ўзига хос маҳорат шаклланаётганлигини дарак беради.

«Тошкент қувончлари» Халқаро II Тошкент болалар расмлари биенналесига В.Бурмакин, Д.Уразаев, Р.Азизов, А.Алиқуллов ва Ю.Логвина каби таниқли ва машҳур рассомлар ҳайрат аъзолари этиб тайинланди. Тақдим этилган ишлар ҳайрат аъзолари томонидан номинациялар бўйича тақдирланади. Бугун Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Тошкент қувончлари» Халқаро II Тошкент болалар расмлари биенналесидан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар

2008 — Ёшлар йили

КИТОБ — ҚАЛБИМ ЧИРОҒИ

ИНСОНЛАР ТАФАҚУРИНИ БОЙТИШДА, АҚЛИНИ ЧАРХЛАШ ВА МАЪНАВИЙ КАМОЛОТГА ЕТКАЗИШДА КИТОБНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР. КИТОБ — БЕБАҲО МАЪНАВИЙ ХАЗИНА, УНДАН Фойдаланган сари ҳикмат жавоҳирларидан баҳраманг бўласиз. УЛАФ АЛЛОМАЛАРИМИЗДАН БИРИ БЭДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҲАМ КИТОБ ҲАҚИДА ШУНДАЙ МИСРАЛАРНИ БИТГАН: «АГАР ЁЛҒИЗ ЭСАНГ, ҲАМДАМ КИТОБДҲР, БИЛИМ СУБҲИДАГИ НУР ҲАМ КИТОБДҲР».

бўлиб ўтди. Мирзо Улуғбек туман ўқувчилар ижодий марказининг тўғрақ аъзолари томонидан тайёрланган саҳна кўрсатишлари айниқса, йилланларга манзур бўлди. Қизилкарлик баҳо-мунозаралар асосида ўтган мазкур учрашув ўқувчиларда унутилмас таассурот қолдирди. — Бу каби учрашувларни ўтказиб-дан мақсад, — дейди Мирзо Улуғбек туман ўқувчилар ижодий маркази маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи Ш.Асранова, — ўқувчиларнинг китоб ҳақидаги тасаввурларини

сидан мурожаат қилишган. Хозирда чиқиндиларнинг узок вақт тўпланиб қолишига дахлдор муаммо ўз ечимини топган.

Яқасарой тумани, «Қушбеги» даҳаси, 10-уй, 114-хонадонда истикомат қилувчи С.Бькова 485.000 сўмлик «Хиссон» музлатгичини харид қилганлиги, лекин мазкур уй жиҳозининг носозлиги юзасидан мурожаат этган. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида истеъмолчиға тегишли уй жиҳози бепул таъмирлаб берилган.

Азиз ҳамшаҳарлар ва шахримиз меҳмонлари! Сиз харид қилган маҳсулотларда ҳам сифат кафолати берилган бўлса лекин носозлик сезилса, қуйдаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Тошкент 700185, Бунёдкор шохқўчаси 23-уй. Телефон: (998 712) 276-90-46, факс: 276-89-35, Email: toqzp-nuz@gmail.com.

Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқлари ни ҳимоя қилиш ҳудудий биришмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади.



Яқинда Республика ўқувчилар саройида Мирзо Улуғбек туман Халқ таълими бўлими ва туман ўқувчилар ижодий маркази ҳамкорлигида бўлиб ўтган қизиқарли учрашув «Китоб — қалбим чирои» деб номланди. Унда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, «Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси, Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими вакиллари, шоир ва ёзувчилар, мазкур туман ўқувчилар ижодий марказининг ўқитувчилари ҳамда тўғрақ

аъзолари иштирок этдилар. Тадбир Президентимизнинг 2006 йил 31 майдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида 2009-2010 ўқув йили учун нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув методик қўлланмалар бўйича ўтказилган кўргазма доирасида ўтказилди.

Учрашувда Республика таълим маркази халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Н.Қодирова, Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлимининг кутубхона ишлари бўйича услубчи М.Зохитова «Китоб — қалбим чирои» мавзусида маъруза қилиб, ёшларни китоблар билан ошно бўлишга чарқидилар, шу билан бирга китоб билан манбаи эканлигини, уни ўқиб-ўрганган ёшлар албатта келгусида маърифатга, маънавий камолотга эришишларини таъкидлаб ўтидилар. Шундан сўнг ўчрашувга ташриф буюрган мактаб ўқувчилари, тўғрақлар аъзоларининг шоир ва ёзувчилар билан китоблар ҳақида қизгин мулоқоти

бўлиб ўтди. Мирзо Улуғбек туман ўқувчилар ижодий марказининг тўғрақ аъзолари томонидан тайёрланган саҳна кўрсатишлари айниқса, йилланларга манзур бўлди. Қизилкарлик баҳо-мунозаралар асосида ўтган мазкур учрашув ўқувчиларда унутилмас таассурот қолдирди. — Бу каби учрашувларни ўтказиб-дан мақсад, — дейди Мирзо Улуғбек туман ўқувчилар ижодий маркази маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи Ш.Асранова, — ўқувчиларнинг китоб ҳақидаги тасаввурларини

Истеъмолчилар ҳуқуқлари — қонун
ХИМОЯСИДА
МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Яқасарой тумани, Усмон Носир қўчаси, 108-уй, 4-хонадонда яшовчи И.Шаввердова ариза билан мурожаат қилган. Унда қайд этилишича, истеъмолчи яшаётган уй тоmidан чақо ўтаётгани сабабли «Харакатли дўст» уй-жой мулкдорлари ширкати ва «Добро» хусусий фирмаси ушбу нуқулгайичи бартарф этиш мақсадида таъмирлаш ишларини олиб борган. Бироқ таъмирлаш жараёнида истеъмолчиға тегишли хонадоннинг иситиш қувурларига жиддий пугур етган. Қўрилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, истеъмолчи фойдасига 800.000 сўмлик қурилиш моллари ундириб берилган.

Собир Раҳимов туманида истикомат қилувчи Ш.Аҳмедов «Кичиқриқ» уй-жой мулкдорлари шир-

кати фаолияти юзасидан ариза билан мурожаат қилган. Аризада баён қилингандек, истеъмолчиға тегишли иситиш манбаида баъзи носозликлар борлиғи сезилган. Хозирда мазкур муаммо ижодий ҳал этилган.

Учтена тумани, 22-маъзе, 4-уй, 36-хонадонда яшовчи I гуруҳ ногирони В.Бесидена хонадониди дағи телефон тармоғи носозлиғи юзасидан ариза билан мурожаат қилган. Тегишли ташкилот аралашуви тўғрисида мазкур техник носозлик бартарф қилинган.

Собир Раҳимов туманида истикомат қилувчи Ш.Аҳмедов «Кичиқриқ» уй-жой мулкдорлари шир-

03-03 ЎНГАНИҚ
ДОМО БЎЛУҲ...
www.uzum.com

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИҚМАТ БЎСТОНИ
Заҳириддин Муҳаммад
БОБУР
ҲИҚМАТЛАР

Ўзунгни шод тутқил, ғам ема
дунё учун зинҳор —
Ки, бир дам ғам емакка
арзимас дунёи фарсуда.

Гар иликтин келса, бир дамни
кечурманг ғам билан.

Ҳаргиз рост келмас ишқ донолиғ била.

Йўлни не билгай киши то
раҳнамо кўрсатмагай.

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур!
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур!
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур!

То даҳрдур, будур анинг расмиким,
Ойриб кишини азизидин хор айлар.

Ким ёр анги илм, толиби илм керак,
Ўргангли илм толиби илм керак!
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби — илм керак.

Ётларни, керакки, ошно кам қилсанг,
Ҳар кимки вафо қилса, жафо кам қилсанг.

Ҳар ердаки гул бўлса, тикон
бўлса, не тонг?!
Ҳар қандаки май дурдидин бўлса, не тонг?!
Шеъримда агар ҳазл, агар жид, кечурунг!
Яхши борида агар ёмон бўлса, не тонг?!

Аъзою жавоҳирингни ҳозир қилғил,
Жон бирла кўнгул ҳозир нозир қилғил.
Ҳар лаҳза бир андишаю бир фикрни қўй,
Андишаю фикрингни борин бир қилғил.

Давлатқа етиб, меҳнат элин унутма!
Бу беш кун учун ўзунгни асир тутма!
Боргонни, кел эмди, ёд қилмай, эй дўст,
Бориш-келишингни лутф этиб, ўқустма!

Кўнгли тилаган муродига етса киши,
Ё борча муродларни тарк этса киши.
Бу икки муяссар ўлмас оламда,
Бошини олиб бир сориға кетса киши.

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта киши.
Кўнгулм бу ғариблиқда шод ўлмади, ох,
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент Давлат
Цирки
ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР
ВА ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ!
Ўқувчиларнинг қишки
таътил кунларида барча ёш
томошабинларни
«Насриддин Афандининг янги
эртақлари» цирк
спектаклига таклиф
этамиз.
Маълумотлар учун телефонлар:
244-32-23, 244-35-94, 244-35-91.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси «Озик-овқат ва сотув комбинати» директори Шорахон ШАМАХМУДОВА ўқаси.
Шоалим ШАМАХМУДОВНИНГ
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изхор
этади.



(Давоми.Боши 3-бетда).

9.20 «Боллар дунёси». 9.35 ТВ - анонс. 9.40 «Музыка дунёси». 10.00 «Илҳом». 10.25 «Рангбаран». 2-«Дидар». 11.00 «Саломатлик». 11.20 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар». 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 12.50 «Илҳом». 12.55 «Елғиз қуш». Т/с. 14.00 «Айборт». 14.15 ТВ - анонс. 14.20 «Шароит». 14.50 «Воспалителлар». Б/ф. Премьера. «Боллар сайраси». 16.20 1-«Уяла, Ила, Топ!». 2-«Эрталаб» - ақшликча етаклар. 17.15 «Воҳла». 17.40 «Минг бир масъалат». 18.20 1-«Уяла, Ила, Топ!». 18.05 «Саломатлик сирлари». 18.25 «Мехр қўлда». 19.05 «ТВ - шифо». 19.30 «Жаҳонда наволар». Ўзбекистон халқ артисти Гулшадна Айимбетова. 19.25, 19.55, 20.55 ЭЪЛОҲЛАР. 19.30 «Айборт». 20.05 «Денгиздан томи». 20.35 «Шарк тароналари». 20.50 ТВ - анонс. 21.00 «Айборт». 21.30 ТВ - анонс. 21.35 «КиноТашт». 21.40 «Бегим байон». 1-кисм. 22.50 «Замин қаҳарлари». Б/ф. Премьера. 00.50 - 00.55 Тунги наволар. «Шоҳназар». 00.55 Кўрсатувлар дастури. 01.00 «Айборт». /рус/. 01.30 ТВ - анонс. 01.35 «Бешар майдони». 02.05 «КиноТашт». 02.30 «Осмон юки». Б/ф. 04.00 «Айборт». 04.35 «Олтин мерос». 04.45 «Қўларинг мило». Б/ф. 1-кисм. 05.45 - 05.55 Тунги наволар.

16.40 «Миллий мультфильм». 17.00 «Бешар майдони». 17.30 «Бир миллиончи машаъ». Б/ф. 18.00 «Улуу наъмат». 18.10 «Дабр». 19.30 Миллий сериал: «Зебузар». 20.00 «Таранум». 21.00 «Билем ва тафаккур». 21.05 «Шароитнинг қўшиги». Т/с. 21.55 «Этнолар». 22.00 «Дабр». 22.30 «Бран оиласи». Б/ф. 00.10 «Кўрт тинчлиги». «Тошкент» 7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар, информацон-муслий дастур. 8.30 Бизнес-«Поитхат». 8.35 «Дил пайванди». Миллий сериал. 12.25 «М». 9.00 «Телекурер-маркет». 9.20 «Тошкентда латифа». 9.30 «Поитхат» ахборот дастури. 9.40 «Ал қабил». 9.55 «Йўлларим». 10.00 «Музыка SMS». 10.20 «Анонс». 10.25 «Тошкент-2200». 10.30 «Поитхат» ахборот дастури /рус/. 10.40 «Миллар». Телесернал. /рус/. 11.10 «Репортаж» /рус/. 11.20 «Анонс». 11.25 «Афиша» /рус/. 11.35 «Кино». «Элғиз удачи». 13.00 «Анонс». 13.05 «Миллар дивер». 13.15 «О'zbekistan» - презентация: «Дорога в небо». /Премьера/. 14.00 «Филм-детям». «Элғиз». 15.40 «Анонс». 15.45 «Саломат бўлинг». 16.00 «КИНОТАКДИМ». 16.25 «Кино». «Аллоудиннинг сеҳри чораси». 17.45 «Анонс». 17.50 «Афиша». 18.00 «Янгансан, Тошкентим!». 18.05 «Телекурер-маркет». 18.25 «Тошкент-2200». 18.30 «Поитхат» ахборот дастури. 18.50 «Анонс». 19.25 «Дил пайванди». Миллий сериал. 13-кисм. /Премьера/. 19.25 Бизнес-«Поитхат». 19.30 «Музыка SMS». 19.35 «Миллар дивер». 19.55 «Анонс». 20.00 «Поитхат» ахборот дастури /рус/. 20.20 «Анонс». 20.25 «Миллар дивер». 20.55 «Интервью». Телесернал. /рус/. 21.00 «Анонс». 21.10 «Поитхат» ахборот дастури. 21.50 «Телекурер-маркет». 22.00 «Интервью». 22.25 «Милли асқу». 22.30 «Поитхат» ахборот дастури /рус/. 22.50 «Кино SMS со звадани». 22.55-00.25 «Кино». «Реальная любовь 2». /Премьера/. «Спорт» 8.00 «Айбортлар» (рус. тил) 8.20 «Бодро утрос». 9.20 «Тет-а-тет». 9.30 Мультфильм. 10.00 «Айбортлар» (узб. тил) 10.20 Эфир собират детей: «Асте, дис и акингит». Мультфильм. 11.30 Битлтон. Кубок мира. 12.10 «Стиль». 12.25 «Фоторев». 12.40 Футбол. Италия чемпионати шарафига. 13.20 «Кулгу шифо». 14.00-14.20 «Рақибингиз гроемлей-стар».

18.00 «Соғлом оила». 18.30 «Айбортлар» (рус. тил) 18.50 «Таджир изгилари». 19.10 «Спорт аморози». 19.30 «Юлдузлар матчи». 20.00 «Ринг» да Леннокс Льюис - Хасим Раман. 20.30 «Бизнес-ревю». 20.40 «Монтекристо». Сериал. 21.30 «Айбортлар» (узб. тил) 22.00 «Файтер». Восточные единоборства. 22.25 Сильвестр Сталлоне, Курт Рассел в фильме Андрея Кончаловского «Таг и Каш». 00.10 «Тунгиз осида бўлини».

«Первый канал» 6.00, 10.00, 12.00, 15.00 Новости. 6.10 Тенис и зноли. 6.40 Х/ф «Кто, если не мы». 8.25 «Играй, гармонь любимая!». 9.00 «Слово пастыря». 9.40 «Здоровье». 10.20 Смяк. 10.55 «Цена успеха Леонида Филатова». 12.15 «Про Федота-Стрелца, удалого молодца». 13.25 Миллионы КВН. 15.10 Х/ф «Человек-паук 2». 16.10 «Детские шалости». 18.30, 21.20 «Ледниковый период». 21.00 Врем. 22.30 «Пржевальский». 23.05 «Что? Где? Когда?». 00.30 Комедия «Далая останемос друзьями». 2.10 Х/ф «Снайпер-2». 3.45 Х/ф «Икарис и Льюис». 5.10 «Детские шалости».

«Россия» 6.15 Студия «Здоровье». 6.50 Встреча России. 7.00 Сельский час. 7.30 Диалог с животным. 8.00, 11.00, 14.00 Вести. 8.10 Вести-Московская область. 8.20 «Военная программа». 8.45 Субботник. 9.20 Х/ф «Большой портрет». 11.10, 14.20 Вести-Москва. 11.20 «Формула власти». 11.50 Очевидное - невероятное. 12.20 «Смехоланорама». 14.30 Х/ф «Дед Мороз поновеле». 16.00 «Новый воле». 18.10 «Звездный лед». 20.25 «Экстрим». Телесернал. /рус/. 22.30 «Имя России». 23.30 Х/ф «Двадцать друзей Оушена». 2.40 Х/ф «Новая полицейская история». 4.05 Комната смеха. 4.45 «Городок». 5.20 «Ан».

«НТВ» 5.30 Х/ф «Трудности перевода». 7.20 Мультфильм. 7.30 Сказки Баженова. 8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня. 8.20 Лотерея «Золотой ключик». 8.45 «Без рецептов». 9.20 Спорт. 10.20 Главная дорога. 10.55 «Кулинарный поединок». 12.00 Квартирный вопрос. 13.25 Особо опасен! 14.05 «Кремлевские похороны». 15.05 Своя игра. 16.25 «Женский взгляд». 17.00 Сериал «Шлиссонские игры: Частный визит».

19.25 Профессия - репортёр. 19.55 «Программа максимум». 20.50 «Русские сенсации». 21.45 Ты не поверишь! 22.30 Х/ф «Лара Крофт - расхитительница гробниц-2: Кольбель жизни». 00.45 Золотая утка. 1.45 «Дас ист фантастиш». 2.20 Х/ф «Дом с привидениями». 3.45 Сериал «Близнецы». 4.45 Сериал «Скорая помощь». «СТ» 8.00 Фильмы производства ВВС. 10.00 «Террак». «Зимовые зверей». М/ф. 10.20 «Смешарики». М/с. 10.30 «Капитан Фламинго». М/с. 11.00 «Детские шалости». 12.50, 14.30 «Том и Джерри». М/с. 13.00 Х/ф «Дети дождя». М/ф. 15.00 «Крак-Брак». М/с. 16.00 «Король Лев, Тимон и Пумба». М/с.

«Узбекистон» 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Илҳом». 7.05 «Афғини бурилиш». Б/ф. 2-кисм. 7.55 ТВ - анонс. 8.00 «Айборт». 8.30 ТВ - анонс. «Боллар сайраси». 8.35 «Бизнинг кутубона». 8.45 «Кўшигим, жон қўшигим». 9.05 ТВ - анонс. 9.10 «Хандалар» Бисотидан. 9.20 «Миллар дивер». М/ф. 9.30 «Коробо қўшиги». 9.35 «Кўрғу». Хажига. 13.50 «Сонин корлари». 14.00 «Шароитнинг қўшиги». Т/с. 14.50 «Дугор». 15.00 «Бунун». 15.40 «Яшаш сирлари». 16.00 «Камолот». 16.10 «Эверест». 16.45 «Калажак овози». 16.55 «Кий хабил». 17.00 «Ок крими». Б/ф. 18.50 «Смешарики». 18.55 «Улуг наъмат». 19.00 «Дабр». Хафта якуни. 19.30 «Беллянка ва Розочка». Б/ф. 20.00 «Мунча SMS». 21.00 «13-студия». 21.20 «Кун тартиби». 21.25 «Сонин корлари». 21.30 «КИНОТАКДИМ». Б/ф. 22.30 «Кўрт тинчлиги». «Тошкент» 7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар, информацон-муслий дастур. 8.30 Бизнес-«Поитхат». 8.35 «Дил пайванди». Миллий сериал. 13-кисм. 9.00 «Телекурер-маркет». 9.20 «Тошкентда латифа». 9.30 «Поитхат» ахборот дастури. 9.40 «Афиша». 9.50 «Интервью». 10.00 «Музыка SMS». 10.20 «Анонс». 10.25 «Тошкент-2200». 10.30 «Поитхат» ахборот дастури /рус/. 10.40 «Анонс». 10.45 «Миллар». Телесернал. /рус/. 11.15 «Милли асқу». 11.20 Индийское кино: «Ты и я». 1-2 серия. /Премьера/. 13.40 «Анонс». 13.45 Живая планета: «Волки». 14.40 «Телекурер-маркет». 15.00 «Филм-детям». «Рождественское чудо». 16.40 «Анонс». 16.45 «Истеъдод». 17.05 «Саргузаштлар ороли». 17.30 «Телекурер-маркет». 17.50 «Козина». 18.10 «Тошкентда латифа». 18.20 «Мулоқоз учин мавзу». 18.50 «Анонс». 18.55 «Дил пайванди». Миллий сериал. 14-кисм. /Премьера/. 19.25 «Телекурер-маркет». 19.45 «КиноТашт». 20.55-00.25 Тунги наволар. «Узбекистон» 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» /рус/. 01.30 ТВ - анонс. 01.35 «Олдин хабт». Ток-шоу. 02.20 «Минг бир хунар». 02.40 «Хамон ёлдам». 03.10 «Денгиздан томи». 03.40 «Рангин дунё». 04.00 «Ташкилот». 04.30 «Музыка SMS». 04.45 «Кўларинг мило». Б/ф. 2-кисм. 05.45-00.55 Тунги наволар. «Ешлар» 6.55 «Yoshlar salomi». 7.00 «Yumon» Т/с.

«НТВ» 5.30 Х/ф «Лара Крофт - расхитительница гробниц-2: Кольбель жизни». 7.30 «Диний мир». 8.00, 10.00, 13.00, 16.00 Сегодня. 8.20 Лотерея «Русское лото». 8.45 Их нравы. 9.25 Едим дома. 10.20, 20.25 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю. 10.55 «Quattroto». 11.30 Авиаторы. 12.00 Дачный отчет. 13.20 Комедия «Ухотительница тигров». 15.05 Своя игра. 16.55 Борьба за собственность. 17.00 «Шлиссонские игры: Побег». 19.00 «Сегодня. Итоговая программа». 19.55 Столицейское признание. 20.20 «11-й главный герой». 22.00 Русские не сдаются! 22.30 Наша тема. 23.05 Комедия «Реальная любовь». 1.50 Х/ф «Грязные беседы по ночам». 3.35 Сериал «Близнецы». 5.10 Сериал «Скорая помощь». «СТ» 8.00 «Как останет в живых?» Х/ф. 9.50 «Бабунка удава». «А вдруг получится». «Зарядка для живота». М/с. 10.20 «Смешарики». М/с. 10.30 «Капитан Фламинго». М/с. 11.00 «Том и Джерри». М/с. 11.15 «Самый утвет». 13.00 «Галлея». 14.00 «Снимите это немедленно!». 15.00 «Черный плащ». М/с. 16.00 «Серьезный и Тимоти». М/с. 17.00 «Легенда о Тарзане». М/с. 18.00, 18.50, 00.40 «Б-кадров». Сериал. 19.00 Сериал «Планинг дожи». 20.00 У Микаэля Задорнова. 21.00 Х/ф «Богатырский Ринг-2». 1.00 «Хорошие шутки». 3.00 Х/ф «Достучаться до небес». 4.40 Х/ф «Брошенный». 6.15 Музыка. «ТВ-3» 8.00 Мультфильм. 9.30 М/ф «Черепашки-ниндзя». 10.30 М/с «Брат». 11.00 Сериал «Чужие сны». 11.50 Х/ф «Острое потерянных душ». 12.00 «Легенда о Тарзане». М/с. 15.00 Х/ф «Чужие в Решетове». 17.00 Сериал «Моя любимая ведьма». 21.00 Д/ф «13 причин, почему стоит жениться на ведьме». 22.00 Д/ф «Городские легенды. Мост-фантом на Линейном». 23.00 Х/ф «Постель реинвентора». 1.00 Х/ф «Игнорирующий дьявол». 3.15 Д/ф «Исторический детектив: Сулос. Серый кардинал». 4.15 «Другой кино». 4.30 Х/ф «Космическая морская пехота». 6.30 Комната страха. 7.00 Relax.

ДИККАТ, ОБУНА! Тошкент Вечерний Оқшоми Ташкент 2009 йил учун Республика нашрларига обуна қабул қилиш давом этмоқда. Обунани шахарнинг барча алоқа бўлимида ва Бошпочтамтда расмийлаштиришингиз мумкин. Сплн қизқитирган саволлар бўйича 233-47-49, 233-73-56 телефонлари орқали тулиқ маълумот олишингиз мумкин.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОҲЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОҲЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ ХУРМАТЛИ ХАМШАХАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕХМОНЛАРИ! 2008 йил 15 ноябрдан бошлаб сизларни етакчи цирк артистлари, халқаро фестиваллар бевриндорлари иштирокидаги янги дастур намойишида кутамиз. Дастурдан ўргатилган хайвонлар: уссури йўлбарслари, кўнғир айқарлар, маймунар, илонлар, итлар, шунингдек, рекордчи акробатистлар, ҳаво гимнастлари, акробатлар ҳамда кувнок мастарабозлар гуруҳининг чиқишлари ўрин олган.

Томошалар шаба кунлари соат 15.00, яқшабада эса 12.00 ва 15.00 да бошланади. Маълумотлар ҳамда жамоавий буюртмалар бериш учун телефонлар: 244-35-91, 244-32-23, 244-35-94.

Республика «Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиде бўлиб ўтадиган ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. 2009 йил 20 январ куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Хамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 11.09.2008 йилдаги 10-0811/8953-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Хамза тумани 3.Шам-суддинова кўчаси, 23А-уйда жойлашган, "Jisong Korea Industrial" ККга тегишли, жами ер майдони 10450 кв.м. бўлган 18 та бино ва 3 та иншоот. Бошлангич баҳоси - 1 179 000 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар Яқсарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор судининг 22.11.2006 йилдаги 1-1155 ижро варақасига асосан хатланган, С.Рахимов тумани «Севзор» жарима майдончасида сақланаётган, «ВА3-21061» рессумли, д/р 30С1879 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 3 443 418 сўм. II. Шунингдек 2009 йил 13 январ куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, Тошкент шаҳар Хамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 10.10.2007 йилдаги ЖСК-1-511/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хамза тумани Мўйнок кўчаси, 241-уйда сақланаётган, «Ниссан Максима» рессумли, д/р 10 S7014 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Жорий бошлангич баҳоси - 22 638 560 сўм. Кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Рахимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИФН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш. С.Рахимов т., М.Урабозов кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz САВДОЛАРГА МАРҲАМАТ!

ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ — САЛОМАТЛИГИМИЗ УЧУН ЗАРАРЛИ

АЙНИ КУНЛАРДА ЎЛКАМИЗДА ТОБОРА ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ — 2009 ЙИЛ ШОДИЁНАЛАРИ НАФАСИ КЕЗМОҚДА.

Бир олам оруз-ниятлар билан қарши оладиган Янги йилмишни нуносиб кутиб олиш, болажонлар кувончига шерик бўлиш мақсадида бугунги кунда ҳар бир қорхона, ташкилот ва ўқув қуртларида катта тайёргарлик қўриломоқда. Кўнгилочарга кувонч ва шодлик улашувчи кўм-қўқ арчалар безатилиб шахримиз майдон ва хиёбанонлари беэамоқда. Лекин шу ўринда бир нарсасга эътиборни қаратишингизни сўрай эдикки, кўча-кўйларда, мактаб ва бозорларда ўйинқарок болажонлар томонидан бирдан пақиллаб кетувчи тез ёнувчи пиротехника воситаларининг пақиллатилиши кекса, касалманд қишлар, ёш гўдаклар ва аёлларнинг тинчлигини бузиб, бевозта қилаётгани сир эмас. Шунинг учун республикамиз раҳбарияти томонидан аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, Янги йил байрамини нуносиб кутиб олиш учун бир қанча чора-тадбирлар белгилаиб, кўнгилочарликнинг олди олиниб, фуқаролар хавфсизлиги таъминланмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги қарори, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг 2008 йил ноябрдаги кўрсатмасига асосан Янги йил байрами тадбирларини ўтказишда тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш майдонинда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри ҳудудида ноқонуний йўллар билан олиб қирилатган пиротехника маҳсулотларининг муомаласига қарши кураш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ томонидан 2008 йил 25 ноябрда 27/64-02-3792 сонли кўрсатма ишлаб чиқилиб, унинг ижросини таъминлаш юзасидан барча туман ИИБ ЁХБларга йўлланмалиб, пиротехника маҳсулотларининг ноқонуний равишда контрабанда йўллари билан Тошкент шаҳрига олиб қирилишининг олдини олиш борасида зарурий тежор профилактик тадбирлар белгилаб олиниди. Бу борада ноқонуний равишда пиротехника маҳсулотларини Тошкент шаҳрига олиб келишда фойдаланиш мумкин бўлган 15 та асосий ИПХ ва блок постларида Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг навбатчилиги ташкил этилди. Шунингдек, Янги йил байрами нуносиб билан пиротехника маҳсулотларининг пойтахт ҳудудида олиб келиниши, уларнинг сотилиши, тарқатилишининг олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш талабларини бажариш мақсадида, Тошкент

ЎТНИ ЎЧИРИШДАН, ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2008 ЙИЛ 4 НОЯБРДАГИ 578-Ф-СОНИЛ ФАРМОЙИШАГА АССОАН, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА, ШУ ЖУМЛАДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИДА УЮШТИРИЛГАН «ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ЎЗ ЯКУНИГА ЕТМОҚДА. ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ, ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ СИЗЛАРНИ ЯНА БИР БОР ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОНДАЛРИГА РИОЯ ЭТИШ БИЛАН, ПОЙТАХТИМИЗ КЎЧАЛАРИНИНГ ЯНАДА ЧИРОЙЛИ БЎЛИШИГА, НАФАС ОЛАЙТГАН ТОЗА ҲАВОНИ ЗАХАРЛАМАСЛИККА ЎЗ ҲИССАНГИЗНИ ҚЎШИШИНГИЗГА ЧОРЛАЙДИ.

Қишининг дастлабки кунларида ҳам тўқилган тилларинг барглари қуёш нурида қуриб, қовжираб тез алангаланувчи нарсасга айланади. Ана шундай ҳолатларда кимларнингдир эътиборсизлиги, лоқайдлиги ёки бундан болажонларнинг шўхликлари сабаб бўлиб бу қишқирдан ёқиб юборилиши мумкин. Ҳазонларнинг устки қисми тез ёниб тугагани билан унинг остидаги хўл барглари ёнмасдан, балки ўзидан чиққан аччиқ тутунни теварак-атрофта тарқатади. Бундай ҳолат нафас йўли хасталанган беморларнинг кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, астма касали бор инсонлар нафас олишга қийналадилар, тутундан диммақадилар, шамоллаб нафас олишга қийналаётган беморларга ҳам тутун жиддий таъсир этади. Агарда ушбу йилгилган хазонларни ёқмасдан, балки шаҳар четига олиб чиқилса ёки махсус жойга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунинг учун ота-оналардан илтимос қиламиз, фарзандларингизга ҳаммиша ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилишлари, олов билан ўйнамасликлари ва унинг оқибати аянчи эканлиги ҳақида доимо ўргатиб боришлар. Дарҳақиқат, фарзандларимиз тарбиясида, уларга ёнғин хавфсизлиги қондаларини ўргатишга ҳеч вақт эринамаслик даркордир. Уларнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсишлари бизнинг қўлимиздадир. Ёнғин хавфсизлиги хизмати яна бир бор эслатиб ўтади, ёнғинни ўчиришдан қўра, унинг олдини олиш афзалроқдир.

ЎЗГАТ ШОДМОНХЎЖАЕВ, 12-ХЕҲО 24-ХЕҲК БОШЛИГИ, КАПИТАН

ГАЗ БАЛЛОНЛАРИНИ ИШЛАТИШДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА, ХУСУСАН ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИДАГИ ЁНУВЧАН ГАЗНИНГ ПОРТЛАШИ БИЛАН БОҒЛИК БЎЛГАН АЯНЧИ ҲОДИСАЛАР ЮЗ БЕРГАНЛИГИ ЮҚОРИ БОСИМ ОСТИДАГИ ГАЗ БАЛЛОНЛАРИНИ ҚЎЛЛАШДА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА. Газ сақланадиган баллонлардан тўри фойдаланиши билан хавф даражасини пасайтириш, талафот ва қурбонларнинг олдини олишга кўмак беради. Газ баллонлари ишлаб чиқариш қорхоналарида, транспортда ва хўжалиқда мавжуд. Ишлаб чиқаришда газни сақлаш учун махсус резервуарлар ва газгольдерлар (телескопик сфера шаклидаги) ишлатилади. Техноложик тармоқ ва усқунларда кўпинча техноложия талабига мос равишда маълум босимни ушлаб турувчи сиймалар (рессиверлар) ишлатилади. Лекин кундалик турмушимизда бизнинг кўпроқ ҳар хил баллонлар кўринишидаги юқори босимли идишлар билан иш тўтишимизга тўғри келади. Улар турли ҳажмда, рангда ва босим остида сикилган, эритилган ва суялтирилган газни сақлаш учун мўлжалланган бўлиши мумкин. Масалан, касалхонада беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун кис-

(Газетанинг навбатдаги сони 23 декабрда чиқади)

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ Буюртма Г-1106

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёллонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3257 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2. Нашрият «Шарк» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган. «Шарк» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 6